

ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

1991 йил 17 сентябрь
СЕШАНБА
№ 182 (5.225).
ШАҲОСИ 8 ТИЙИН

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ҳафтада беш марта чоп этилади

ПАХТАЗОРДАН ХАБАРЛАР

МАРРАДАН ЎЗГАНЛАР

АШҚАДАРЕ. (Телефон алоқаси олинди). Вилоятда зафар маррасини эгаллаган жамоалар сафи кун сайин кенгаймоқда. Қуни кеча йиғирмага яқин бригада ва звенолар пахта тайёрлаш йиллик режасини бажаришди. Қамашин районидagi «Марксизм» жамоа хўжалигидан Хушвақт Ражабов бошлиқ бригада аъзолари 80 гектар майдондан 153 тонна хом ашё йиғиштириб олдилар. Ҳосилдорлик гектар бошига 25,2 центнердан тушди. Муборак районидagi 30-дават хўжалигидан Аъзам Жумаев бошлиқ жамоа 80 тонна ўрнига 68 тонна, Чирокчи районидagi Ворошилов номили давлат хўжалигидан Яхшидор Даниялов бригадаси 84 тонна ўрнига 85 тонна оқ олтин сотдилар. Қосон районидagi 35 гектар ерининг ҳар гектаридан 34,3 центнердан хирмон кўтарди.



Шеробод районидagi В. Қодиров номили давлат хўжалиги механизаторлари Сурхондарё вилоятида биринчилардан бўлиб машинада пахта теришга киришдилар. Бу ерда 2773 гектар майдонда юқори ҳосил етиштирилди. Шунинг 1941 гектарига ингичка толали Т-16 нўв ўзга ўстирилди. Хўжаликда ҳар гектар ердан 27 центнердан хирмон кўтариш, давлатга 7614 тонна хом ашё сотиш белгиланган. Лекин гектар ҳисобига 33 центнердан

хосил олиш имконияти бор. Жорий мавсумда пахтазорларда 75 та зангори кема ишлатилади. Ҳар бир машина билан ўртача 110 тоннадан оқ олтин саранжомлаш мақсад қилинган.

СУРАТДА: моҳир механизатор Худойберди Жунеев. У мавсумда 140 тонналик хирмон уйини кўзламоқда.

И. ХУЖАЕВ
олган сурат.
(ЎЗТАГ).

Вилоят хўжаликларига пахта йиғим-терими кун сайин авжига чиқмоқда.

И. АМИРҚУЛОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»
мухбири.



Ленинград районидagi Энгельс номили жамоа хўжалиги пахтакорлари йиғим-теримини Фарғона вилоятида илгөрлар қаторида бошлашган. Айни кунларда мавсум уюшқоқли

шўнослар 1090 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирилди. Гектаридан режадаги 32 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил йиғиштириб олиш кўзланаяпти.

СУРАТДА: илгөр теримчилар Хурсаной Жўраева ва Одинахон Мансурова. Бу чеварлар Д. Турғунов бригадаси хирмонига ҳар кун 200—240 килограммдан пахта териб тўқнашапти.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ
олган сурат.

ЭГАТЛАРДА РИЗҚУ-РЎЗ

Субҳидамда оқликка чулғанаётган далалар кўзини ўйнатиб, жилпонади. «Ҳосил мажбуриятни бажаришга етди», — ҳаёлидан ўтказди Шамсиддин Рустамов. — Ер усти аппаратлари ёрдамида дориларимиз яхши бўлди. Режани етти иш кунда бажарамиз деб катта гапириб қўямасдикимкан. Шунга ерша ҳаракат қилишимиз керак.

Шу томонга келаётган бир гуруҳ қиз-жуванларнинг гуруҳи унинг ҳаёлини бўлди. — Пахтазорини тушингизда кўриб чиққанга ўхшайсиз, Шамсиддин ака, — деди моҳир теримчи Лавлихон Холматова ҳазиломуз. — Ўш ерда қолдингизми? Биз бўлсак ҳаммадан олдин келдик деб ўйлабмиз.

Бригадир чеварлар Манзурахон Асатуллаева, Малика Исмоилова, Мукаррам Валихонова, Санобер Солиева ва бошқалар билан сўрашиб бўлгач кўнглини очди: — Эртага машина теримини бошлаймиз. Механизатор Зайлобиддин ака Қодиров аграги билан 150 тонна пахтани саранжомлаш бермоқчи. Даромад яхши бўлади.

Айтганимиз келсин — дейишди теримчилар. Шамсиддин Рустамов бошлиқ бригада Олтириқ районидagi Энгельс номили жамоа хўжалиги илгөрлариди. Меҳнат ахли бу йил гектаридан 32,2 центнердан хирмон кўтариш, давлатга 193 тонна сифатли хом ашё сотишни мўлжаллаган. Айни кунларда 6—7 фозис микродрида дурдонга тайёрланмоқда.

Хўжаликнинг бошқа бригадаларида ҳам йиғим-терим тобора қизитилаяпти. Луффула Ҳафизов бошлиқ жамоа меҳнат беллашувида пешкаб. Мукаррам Одилова, Курбоний Дадахонова, Замира Қосимова, Қумуш Одилова сингари чеварлар ҳар кун 180—200 килограммдан оқ олтин териб хирмонга тўқмоқдалар. Муҳаммаджон Деҳқонов бошлиқ бригада аъзолари ҳам оғда қолмасликка интиляшапти. Улар бу йил 53 гектар ерининг ҳар гектаридан 32 центнердан хом ашё йиғиштириб олишни кўзлашмоқда. Фотима Солиева, Насиба Раҳмонова, Рўзхон Нишонов, Зайнаб Отахонова қабилар бошқаларга ўрнак.

— Жорий йилда яппи хирмоннинг 960 тоннаси зангори кемалар ёрдамида бунёд


этилади, — дейди бош инженер Маҳмуджон Ҳайдаров. — Ўзга барги сифатли дорилариниб, яхши тўқтирилди. Бугун эрта 8 та терим машинаси пайкалларга олиб чиқилди. Зайлобиддин Қодиров, Раҳмонли Деҳқонов, Мамлакат Фахриддинов сингари механизаторлар мавсумда пўлат этакдан 150 тоннадан пахта бўйлаштига бел боғлашган.

Хўжалик пахтакорлари бу йил йиғим-теримини эр уюшқоқлик билан бошладилар. Улар 843 гектар ерда мўлжалдаги ҳосилни тўқнади. Эндиги мақсад уми нобуд қилмай, тез ва соз саранжомлаб олишдан иборат. Ҳосилдорликнинг 31 центнердан ошириш, давлатга 2400 тонна юқори навли хом ашё сотиш кўзланаяпти. Хўжалик бошқаруви, жамоат ташкилотлари мавсум иш-тироқчилирига барча шароитни яратиб бериш тадбирларини кўрмоқдалар. 14 та шийпонни ҳақиқий дам олиш масканларига айлантириш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди. Ўзаро меҳнат беллашуви қизитилмоқда. Шу кезларда пахтазорларда 800 нафардан ортиқ теримчи жалвон ўрмоқда. Шундан 60 нафари мавсум охиригача 5—6 тоннадан оқ олтин териш ташаббуси билан майдонга чиқди. Уларнинг сафи кун сайин кенгаймоқда.

— Бу йилги ҳосилни етиштириш осон бўлмайди, — дейди бошқарув раиси Хайитали Раҳимов. — Баҳор ва ёз бўйи қилган меҳнатимиз кузда сарҳисоб қилинади. Шунинг учун ҳосилни меҳнат қилмаслик, вақтида, сифатли саранжомлаб олиш муҳимдир. Мавсумни тез ва соз ўтказишда республика Президентини ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг пахта йиғим-терим иш-тироқчилирининг манфаатини таъминлаш бўйича қарори айни мўддоо бўлди. Шу асосда бўлаётган ишлар белгилаб олинди. Теримга яхши ҳақ тўланаётгани сўраб-сўрат қўшапти.

Ҳа, шу кунларда хўжалик далаларда мавсум тобора авжга чиқаёпти. Пахтакорларнинг мақсади ягона: эгاتларга соғинаган ризқ-рўзимиз бўлиши оқ олтинни тезроқ йиғиштириб олиш. Эгзу ниятлар амалга ошишда уларга омад тилаймиз.

А. ТЎХТАСИНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.



Сухбат пайти.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШМОҚДА

Франция Республикаси мудофаа вазири Пьер Жюк Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. У мамлакатимизга СССР Мудофаа вазирлиги тақдир билан келган.

Тошкент аэропортида олий меҳмон шарафига Франция ва Ўзбекистон жумҳурияти давлат байроқлари кўтарилди. Франция мудофаа вазири П. Жюк Ўзбекистон жумҳурияти мудофаа ишлари вазири Р. У. Аҳмедов, Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони И. В. Фуженко, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

16 сентябрь кунин П. Жюкнинг Ўзбекистон Республикаси Президентини И. А. Каримов қабул қилди.

Сухбат чоғида меҳмон жумҳуриятнинг ҳозирги шароити тараққиёти билан батафсил таништирилди. Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ҳукумийат давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши тараққиётнинг реал тарихий жараёни ҳаётда муваффақиятга эришилди, деб таъкидланди. Янги ма-

қом бошқа давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқалар боғлаш учун кенг имкониятлар очади. Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилади, ягона иқтисодий макон билан, ягона армия билан янги иттифоққа киришга тайёр. Жумҳурият ҳудудда жойлаштирилган Қўролли Кучларга келганда эса, унинг фаолиятига доир барча туо масалалар Ўзбекистон ҳукумати билан келишиб олиниши лозим. Масалаларнинг бутун мажмуини ҳал этиш учун Ўзбекистон Жумҳурияти Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди.

П. Жюк самийи кутиб олигани учун минавторлик билдирди. У суҳбатнинг муҳим жиҳатларини Франция Президентини Ф. Миттеранга алоқата етказишни айтди. Бу айниқса Ўзбекистоннинг тинчликсевар таъки сисбатига, унинг ўзаро манфаатли иттиқодий ва савдо алоқаларини ривожлантиришга интилиши билан боғлиқдир.

Сухбатда Ўзбекистон Жумҳурияти Президентининг маслаҳатчиси Т. А.

Алимов, СССР Қўролли Кучлари Бош штаби бошлигининг ўринбосари Б. А. Омельчев, Ўзбекистон Жумҳурияти мудофаа ишлари вазири Р. У. Аҳмедов, Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони И. В. Фуженко қатнашди.

Франция томонидан суҳбатда Франция мудофаа вазирининг халқаро масалалар билан шуғулланганидан хабарини Ж.П. Филипп, Франциянинг СССРдаги элчихонаси мудофаа масалалари атташеси Б. Эли штирор эдилар. Шу кунин П. Жюк Туркистон ҳарбий округи командири билан ўзаро учрашди. У округ тарихи билан таништирилди. Қўролли Кучларнинг тузилиши ва фаолияти ҳақида уни қизиқтирган саволларга жавоблар олди.

Меҳмон Тошкент танқичлар олий билим юртида бўлди. П. Жюк ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрдилар. (ЎЗТАГ).

ОЛИМЛАР ЙИҒИНИ

Андижон пахтачилик илмгоҳи, шунингдек Тожикистон Фанлар академияси зоология ва паразитология илмгоҳининг олимлари Андижонда ўтказган Бутуниттифок конференциясининг қатнашчилари қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилиш, илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш ҳамда тўпланган тажрибани ўртолқлаштириш муаммоларини муҳокама қилдилар. Конференцияда Киев, Кишинев, Минск, Душанбе, Олмаота, Тошкент ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидан

келган 200 дан кўпроқ олим ва амалиётчи мутахассис қатнашди.

Конференция қатнашчилари маърузалар, ахборотларни тингладилар. Илмий ахборотлар ва шире экологиясига оид тадқиқотлар натижалари билан ўртоқлашдилар. Улар шунингдек пахтачилик илмгоҳи ходимларининг қишлоқ хўжалик тарқатувчиларига қарши кураш юзасидан олиб бораётган тадқиқот ҳамда амалий

ишлари билан ҳам танишдилар.

Мамлакатимизнинг амалда ҳар бир минтақасида катта-катта экинзорлар ширадан шикастланмоқда. Пахта, картошка, мева-мевилар дарахларга ана шу зараркунандалар баббаравар ҳужум қилади. Хозирги конференция 1983 йили Ригада ва 1989 йили Ленинградда бўлиб ўтган аввалги икки анжуман ишнинг давомидир. Мазкур муаммо устида ишлаётган олимлар келажакда ҳам вақти-вақти билан тўпланиб туриш, тўпланган тажрибани ўртоқлаштириш ниятидадилар. (ЎЗТАГ).

ҚУШМА КОРХОНА ШАРОФАТИ

Қуйганер — Андижон туманидаги қўшма корхоналардан бири. Унинг кейинги йиллардаги қиёфаси, тирикчилик машғулотига менга яхши аён. Ери ҳазина, одамлар муваффақияти. Ярим йил муқаддам шу қишлоқда, Катта Фарғона канали бўйида Италия фирмасининг қўшма корхонаси қуриладиган бўлди. Аввалига қўшма корхона қуриладиган бўлди. Катта Фарғона канали бўйида Италия фирмасининг қўшма корхонаси қуриладиган бўлди. Катта Фарғона канали бўйида Италия фирмасининг қўшма корхонаси қуриладиган бўлди.

фирманинг шуҳрати азалдан маълум. Унинг турли мамлакатларда қўшма корхоналари бўлиб, ишлаб чиқариётган маҳсулотлари жаҳон бозорига хариддорлар. Шундай қилиб Қуйганерда «ФЭНКО» фирмасининг тоғат ишлаб чиқариш тармоғи қуришга киришилди. Италиялик ва андижонлик мутахассислар биргаликда қўшма корхона пойдеворини қўйишди. Бинонинг битган қисmini ускуналар билан жиҳозлаш ҳам бир йўлга олиб борилади. Базила аниқ эди: корхона ишга тушгач, технологик жараёнларни қуйганерлик мутахассислар бошқаришлари керак. Шундан келиб чиқиб, кадрлар малакасини ҳал этиш диққат марказида бўлди. Ўйлаб-ёшлар малака оширишди, яхши

мутахассислар бўлиб етишилди. Озиқиб кутилган кун етиб келди. Тоғат тайёрлаш тармоғи қисқа муддатда ишга туширилди. Яхши ҳосил бермайдиган тошқоқ жойда бўй кўрсатган бу корхона Қуйганернинг ҳуснига ҳус қўшди. Олисан ҳам ялтираб қурунучи ускуналарга, замонавий механизмларга қараб ўйга толаман. Улар ёмғирдан, қордан зағламасмикан, тезда ишдан чиқиб қолмасмикан?

— Пуқ, — дея ишонч билан жавоб қайтарди корхона директори Мансуржон Маҳмудов. — Буларнинг қалфати мустаҳкам, зағламмайди. Қуёш нури ҳам, ёғингарчилик ҳам таъсир эт-

ма қиздирилади. Филтирларга ҳайдалиб, мағзи, уруғи акратиб олинган маҳсулот пухта бўлганда, микроблардан тозалангач, маҳсул идишларга жойланади. Идишлар ҳам оддий, ҳам ишончли. Бочкалар ичиди маҳсул қоплар бўлиб, ҳар бирига 200 килограммдан тоғат қуйиш мумкин. Барча ишни оператор пулт олдида ўтириб ичию ташки ойнади яқриб турибди. Бу ерда ишлаётганларнинг кийим-бошида зигирдек доғи қўрмади: тоза ва охорли.

— Буларнинг ҳаммаси яхши, — дейман Мансуржонга. — Ҳар ҳолда ускуналар четдан келтирилган. Сизларга қийин бўлмаптими? У шонимай тушунтира бошладим:

— Дастлабки кунларда технологик жараёнларни италиялик мутахассислар бошқаришди. Уларнинг ҳар бири қисқа муддатда бир неча шогирдлар тайёрлади. Операторлик пултида ҳозир асосан ўзимизнинг билар. Италиялик шерикларимиз механизмларнинг ишлаш маъноси назорат қилишяпти. Эҳтиёт қисмлар, тайёр маҳсулот солинадиган қоплар, бочкалар ҳам уларники. Келажакда ҳаммаси ўзимизда тайёрланади.

— Икки ўртадаги ҳамкорликнинг истиқболи, самараси ҳақида нима дея olasиз?

— Самарга келсак, у жуда катта. Ўз фаслида Андижон консерва заводи олдиндаги майдон помидор ортган машина-тележналарга тўлиб кетар, деҳқон меҳнати бамисоли сувдек оқар, қимматли вақтлар бекорга совриларди. Энди ундай эмас. Қўшма корхонада бир кеча-кундузда 900 тонна хом ашёни қайта ишлаш мумкин. — Энг муҳими, биз қишлоқ аҳолисига зарур қулайлини яратишни кўзлашмиш. Помидор экан деҳқонлар ҳосил ишчан паллада сарсон бўлишчи

ошириш учун юборилди. Бу тадбир ўзаро шартномада назарда тутилган. Ҳозир бу ерда маҳсулот асосан бир хил икки юз килограмм микдорда қадоқланаётди. Қўшма қишлоқ линия ишга туширилгач, турли ҳажмда, турли идишларда тоғат ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уларни шу ерининг ўзидан тўғридан-тўғри жаҳон бозорига чиқариш мумкин.

Қуйганерга фаз киреётганга энди ишонгандинсиз? Ҳадемай бу ерда тайёрланган маҳсулот дунёнинг турли бурчларига етиб боради. Унда, албатта, Қуйганернинг муҳри бўлади. Шунинг ўзи мустақиллик деб очасида. Ушбу сатрларни фахр тўғриси билан баёғатимининг яна бир босиш бор. Қараган-а, ўзбек тупроғида етиштирилган помидоргани талаб шунчалик кучли экан, унинг таърифи сизмас бошқа ноз-неъматлари доғруғи ҳали жаҳонни кўп бор ҳайратга солажак.

А. ҚОРАБОВЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»
мухбири.

МИРЗАЧЎЛ ХАБАРЛАРИ

тарзда моддий самара ола-
ётганликларини амалда ҳис
қила бошладилар.

В. ДРАЧЕВ,
ЎзТАГ мукбир

